

**КАМЁБ ВА ЙЎҚОЛИШ КЕТИШ АРАФАСИДА ТУРГАН ЎСИМЛИКЛАР ВА  
УЛАРНИНГ МУХОФАЗАСИГА ДОИР**

**З.А.Юсупова**

*ФарДУ, Ботаника, биотехнология ва экология кафедраси доцент v.b.*

**Муйсинова Хонзодабегим**

*ФарДУ магистранти*

**Аннотация:** Маълумки, мамлакатимиз табиий бойликларини ўрганиши, улардан илмий асосланган режа асосида фойдаланишини йўлга қўйиши, муҳофаза қилиши шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир. Ўсимликлар ва ҳайвонот олами томонидан яратилган ва яратилаётган табиий бойликлар табиат инъом этган ресурслар орасида энг муҳим ҳисобланади. Чунки инсонлар узликсиз яшаш учун зарур бўлган деярли барча маҳсулотларни ўсимлик ва ҳайвонот оламисиз тасаввур қилиши қийин.

**Калит сўзлар:** ўсимлик ва ҳайвонот олами, Қизил китоб, муҳофаза, камёб ўсимликлар.

Фарғона водийсининг вилояти табиий бойликлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича умумий мулоҳазалар

Улардан тежаб-тергаб фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасида Хукумат томонидан қанчадан қанча қонун ва қарорлар қабул қилинган ва қилиниётган бўлишига қарамай, ҳамон бу бойликлардан тартибсиз фойдаланишлар давом этмоқда. Натижада йил сайин ноёб, камёб, йўқолиб бориш хавфи остида қолаётган ўсимлик ва ҳайvon турлари сони ортиб бормоқда. Мамлакатимизда, шу жумладан вилоятимизда бундан 30 йил олдингига нисбатан камёб ўсимликлар тур сони икки баробарга ортгани фикримизни далили бўла олади. Бунинг асосий сабабларидан бири, камёб ўсимлик ва ҳайvon турлари бўйича тарғибот ишларини яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасидир. Халқ таълими тизимида эса камёб, йўқолиш хавфи остида қолган ўсимлик ва ҳайvon турлари ҳақида маълумот берувчи қўлланма йўклигидир. Ўзбекистон “Қизил китоби”ни мактаб, коллеж, лицей ўқувчилари эшлишган бўлса ҳам кўпчилиги бу китобни кўргани ҳам йўқ. Шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот олами маҳсулотларидан тартибсиз фойдаланувчи табиб ва овчиларининг сони йил сайин қўпайиб бормоқда. Буларни олдини олиш ва тўхтатиш учун ҳар бир вилоятларда камёб ўсимлик ва ҳайvon турлари билан яқиндан таништирадиган қўлланмаларни кўпайтириш лозим.

Бу муносабатлар қадим замонлардан буён барчани қизиқтириб келаётган муҳим муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Табиатни ардоқлаб, уни “Она табиат” дейишади. Бу ҳақиқатан ҳам тўғри, чунки, табиат барча тирик организмларга шу жумладан инсонга ҳам жон-тириклик ато эдган, ўз бағридан жой бериб, ардоқлаган тарбиялаган. Илк бор яшаш қобилиятига эга

бўлган хужайрасиз организмдан тортиб то инсон даражасигача тарбиялаб, унинг ҳамма эхтиёжларини қондириб келаётган ҳам она табиатдир.

Ҳа, табиат ўз қонуниятларини пухта ўрганишни, уни бузмасликни авайлаб-асрашни, она каби эъзозлашни, ўз бойликларидан оқилона фойдаланган ҳолда, уни кўпайтириб бориш зарурлигини талаб этади. Маълумки, инсон табиатнинг бир қисми, лекин у бошқа қисмлардан фарқ қиласиган онгли бўлагидир. Табиатни онгли қисми хисобланган одам ўзининг бутун меҳнат фаолияти давомида табиатга таъсир этади, яшаши учун зарур бўлган барча маҳсулотларни табиатдан олади.

Инсон пайдо бўлгандан то ҳозирга қадар табиатга таъсир этиб уни батамом ўзгартириб юборди ва ўзига бўйсундирмоқда.

Инсонлар ўз фаолиятлари натижасида табиатга нотўғри муносабатда бўлиш, унинг қонунияларини ҳисобга олмасдан таъсир этиши оқибатида тамоман кутилмаган натижаларга олиб келиши, хўжаликлар учун катта зарап етказиши, шубҳасиздир. Чунки табиатнинг ҳар бир бўлаги бир-бiri билан шу қадар боғланганки, унинг бир бўлагига нотўғри таъсир этиш, маълум вақт ўтиши билан табиатнинг бошқа компонентларини ҳам ўзгартириб юборади. Масалан узликсиз ерларни ўзлаштирилиши табиий майдонларни қисқаришига, у ўз навбатида ҳайвонлар яшайдиган, озиқланадиган, химоялайдиган майдонларни қисқаришига, шунингдек ўсимлик турлари сони, захираларини қисқаришига, оҳир оқибат ўсимлик ва ҳайвон турлари орасида камёб турлар сонини ортишига олиб келади.

*Фарғона вилояти ҳудудида тарқалган ўсимликларнинг аҳамияти*

Табиатнинг битмас-тугамас бойликларидан бири ўсимликлар олами эканлиги шак-шубҳасиздир.

Фарғона водийси, шу жумладан Фарғона вилоятининг бепаён чўл, адирлари ва тоғ-яйловлари табиий ҳолда ўсаётган хилма-хил ҳаёт шаклига эга бўлган фойдали ўсимликларга бойдир, уларни режа асосида илмий жиҳатдан ҳар томонлама ўрганиш эса инсониятни илк пайдо бўлган давридан бошланган, чунки одамларни яшаши учун биринчи галди озиқ-овқат керак бўлади, озиқ-овқатни эса асосан ўсимлик маҳсулотларисиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам қадимги аждодларимиз ўсимлик маҳсулотлари ҳисобига озиқ-овқатга бўлган эхтиёжларини қондириш билан бирга, ўргангандан ўсимликлар орасида энг фойдали озиқ-овқат бўладиган турларини танлаб, уларни экиб кўпайтирганлар ва ҳозирги дехқончиликка асос согланлар. Лекин, ҳозирги кунга қадар экиб ўстириб келинаётган маданий ўсимлик турлари у қадар кўп эмас. Чунки табиий тарқалган ўсимликларни ўрганиш, улар орасидан яхши озиқ-овқат бўладиган турларини охтариб топиш, маданийлаштириш, ўрганишга эътибор талаб даражасида бўлмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирги маданий ўсимликлар умумий ўсимлик турларини 1-2 фоизини ташкил қиласиди холос.

Умуман ўсимликлар ҳақида сўз юритилар экан, кўз ўнгимизда табиатнинг ранг-баранг, сўз билан ифодалаш мумкин бўлмаган ажойиб манзарали, битмас-тугамас турли-туман бойликлари намоён бўлади.

Хозирги кунда ҳам инсон ҳаётини ўз атрофида ўсаётган хилма-хил ўсимлик турларининг маҳсулотларисиз тасаввур қилиш қийин. Ҳозир ҳам ўсимликлар инсонга озиқ-овқат, ҳайвонларга ем-хашак бўладиган, ё очлик саноатнинг турли тармоқларига ҳом-ашё манбай сифатида хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек ўзларининг хушманзараси, ёқимли кўринишлари ва ранг-баран ажойиб ва гўзал кўринишга эга бўлган гуллари билан турли касбдаги меҳнаткаш ва ижодкорларга илҳом, беморларга шифо ва барча аҳоли қатламига дам олиб ҳордиқ чиқарадиган файзли маскан сифатида улар қалбидан жой олган. Уларнинг мафтункор ёқимли гуллари на фақат инсонларни, ҳатто қушларни ҳам ўзларига мафтин этиб келаётгани сир бўлмаса керак.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан ўсимлик бойликларидан турли мақсадларда фойдаланиб келишган. Лекин ҳозирда ҳам у ўз қийматини йўқотганий йўқ. Чунки маданий ҳолда экилиб келинаётган ўсимликлар инсонлар эҳтиёжини тўлаттўкис қондира олмайди. Шунингдек кимёвий йўл билан ишлаб чиқарилиётган маҳсулотлар эса табиий ўсимликлардан тайёрланган маҳсулот ўрнини боса олмайди. Айниқса ҳозирги пайтда дори-дармон, витаминалар, озиқ-овқат, кийим-кечак, тураг жойи учун керакли қурилиш материаллари, эфир мойлари, бўёқ ва ошловчи моддалар каби ўсимлик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни кун сайин ортиб бориши табиий ҳолда тарқатган ўсимлик бойликларидан режа асосида унумли фойдаланишни тақазо этмоқда.

Ўсимлик бойликларидан фанга асосланган режа асосида фойдаланиш ўз навбатда уларни ҳартомонлама пухта ўрганишни талаб этади. Ҳар бир ўсимлик тури ҳақида етарли илмий маълумотларга эга бўлмай туриб, улардан режали фойдаланиш бўйича гап юритиш ҳам мумкин эмас.

Узоқ йиллар давомида олиб борилган изланишлар, кузатишлар ва мавжуд манбаларни таҳлил қилиш асосида Фарғона вилояти худудида 78 оиласга мансуб, 488 туркум ва 1380 тур ўсаётгани маълум бўлди. Булардан 21 тури дараҳт, 124 тури бута, 26 тури чала бута, 790 тури кўп йиллик ўт, 389 тури бир йиллик ва икки йиллик ўт ўсимликлар эканлиги аниқланди.

Вилоят худудида табиий ҳолда тарқалган ўсимлик турларини минтақалар бўйича тарқалиши таҳлил қилинганда 1350 турдан 336 тури чўлда, 437 тури адирда, 620 тури тоғда тарқалгани аниқ ҳисоб китоб қилинди. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, минтақалар бўйича берилган ўсимлик турлари ва ҳаёт шакллари кўшилганда 1350 тур чиқмайди, чунки чўлда ўсувчи ўсимлик адирда, ёки адирда ўсувчи ўсимлик тоғда, чўлда ҳам ўсиши мумкин.

Маълумки, Фарғона водийси Ўрта Осиёning “дурдонаси” деб қабул қилингани ҳеч кимга сир эмас, Фарғона вилояти эса шу дурдонани бир қисмидир. Водий худудида учрайдиган ҳамма холдаги табиий кўринишларни Фарғона вилояти худудида ҳам учраши буни исботи дейиш мумкин. Лекин ўсимликлар оламини водий

тоғ тизмалари (Фарғона, Чотқол, Курама, Олойни Шарқий, Марказий қисми) билан таққосланча уларнинг ўзига хос томонлари мавжуд эканлигини кузатиш мумкин.

Маълумки, водийнинг чўл қисми асосан Фарғона вилояти ҳудудига тўғри келади. Шунинг учун ҳам вилоятимиз ҳудуди бошқа водийдаги чўл минтақаларидан чўлга хос бўлган ҳамма кўринишларга эга эканлиги билан ажралиб туради.

Бундан 60-80 йиллар олдин Сирдарёning чап соҳилларида (15-20 км гача) тўқай анча катта майдонларни ишғол қилган. Қуш жийда, турангил терак, юлгун, ёввойи шакар қамиш (қалам), ширин мия, янтоқ каби ўсимликлар қалин бўлиб ўсган ва катта майдонларни эгаллаган. Тўқайда дараҳт ва буталар шу қадар қалин бўлиб ўсканки, ҳатто болтасиз йўл топиб юриш қийин бўлган. Лекин 1953 йилдан бошлаб, чўл ва даштларни, тўқай, адир ва тоғларни шиддатли ўзлаштирилиши оқибатида бундай қалин тўқайларни номигина қолган холос. Ҳозирда ҳам тўқай ўсимликларидан тартибсиз фойдаланишни учраб туриши кечириб бўлмайдиган холдир. Чўлдаги қумлар ва ўсимликлардан режасиз фойдаланиш ўсимлик ва ҳайвонлар яшайдиган майдонларни қисқаришига, ўсимлик ва ҳайвон турларини камёб турлар сафига кўшилиб қолишига олиб келмоқда.

Вилоятимиздаги чўл ва тўқайлари бир қисмини қўриқхонага айлантириш ва келгувси авлодларимиз уларни китобдан эмас балки табиатни ўзида, уни ўзгармаган холда ўрганишларини хохлар эдик. Тўғри, уларни сақлаб қолиш мақсадида ёдгорликлар ташкил этилди, лекин улар назоратсиз холда қолиб улардан тартибсиз фойдаланиш ҳамон давом этмоқда.

Денгиз сатхидан юқорига кўтарилиш билан 400 м га, баъзи жойларда 600 метрга қадар баландликка эга бўлган жойлар чўл, ундан юқори – 600-900 м ҳатто дарё, сой соҳиллари бўйлаб, 1800 м баландликка эга бўлган жойлар адир минтақаси деб юритилади. Бу минтақада ҳарорат юқори, намлик кам бўлгани учун қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар тарқалган. Улар орасида эфемер ва эфемероидлар, кўп йиллик ўтлардан шувоқ турлари (қизил шувоқ, оқ шувоқ, сўғдиёна шувоғи), қатрон, қовул ҳапри, бўригул, бугдойик, буталардан чия, зирк, пачча қирқар, наъматак турлари кенг тарқалган.

1200-2800 м баландликка эга бўлган жойлар тоғ минтақаси дейилади ва бу минтақа ўсимлик турлари ва ҳаёт шаклларига бой бўлиши билан характерланади. Бу минтақада ҳарорат ҳам намлик ҳам ўсимликларни ўсиш учун анча қулайдир. Шунинг учун ҳам бу минтақада юқорида номлари келтирилган ўсимлик туркум турлари билан бирга шилви, арчанинг уч тури (зарафшон, савр ва туркистон арчалари), дарё соҳилларида тол, қайнин, чаканд турлари, тоғларнинг шимолий ёнбағирларида хилмажил ўт ўсимликлар ўсади. Бу минтақада – ҳапри, далаҷой, каклик ўт, тоғ жамбили, шувоқ, бугдойик, тулки куйриқ, каврак, чалов, бетага ва кўплаб бошқа ўсимлик турлари аралаш ўсиб хилма-хил кўринишлар ҳосил қиласди. Булар орасида қалимда кенг тарқалган ҳозирда камёб турлари қаторига кириб қолган олтин рангли сувур ўт,

ажойиб шилви, олой хиёли, лола турлари, широч турлари, , пиёз турлари ва бошқа ўсимлик турларини ҳам учратиш мумкин.

Фарғона вилояти ҳудудининг жанубий кисмига (Исфайрам сойнинг ғарби, Шоҳимардон сойнинг шарқи ва ғарбий қисми, Сўх сойининг шарқий қисмida узлик-узлик ҳолда вилоятимизнинг бир қисми кириб борган) даги адир ва тоғларда Чотқол ва Фарғона тоғ тизмалари учун хос бўлган олмазорлар, ўрикзорлар, нокзорлар, тоғ оличазорлар, ёнғоқзорлар, пистазорлар ва бошқа яшаши учун кўпроқ нам талаб қилувчи мевали дараҳт ва буталар табиий ҳолда ўсмайди. Лекин 1948-1950 йиллари Шоҳимардон атрофи, Чимён адирларига (Мингдоноғод, Оқ билол атрофи), писта экилганда улар ўниб чиқсан, лекин бу ерларда маҳаллий аҳоли йил давомидақўй, мол ва бошқа ҳайвонларни боқиши муносабати билан, писта тупларининг тўнкалари сақланиб қолган. Бу тажрибалар вилоят адир ва тоғларида пистазорлар барпо қилиш мумкинлигини кўрсатди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:**

1. Холматов Х.Х. Дикоратущие лекарственные растения Узбекистоне, Ташкент.1991 й.
2. Холматов Х.Х. Хабибов Х.З. Олимхужаева Н.З. Узбекистонинг шифобахш ўсимликлари .тошкент 1991
3. Биологические особенности и распространение перспективных лекарственных растени.Тошкент 1956
4. Каримов В. Шомахмудов А. ҳалк табобатида ва замонавий тиббиётда қоланиладиган шифобахш ўсимликлар.Тошкент .
5. Алибоева.П.К.лекарствие ростение Киргици Фрунзе .
6. Акопов И.З. Крово остиналивающие растение.Ташкент.